

## “ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

“Худудий электр тармоқлари” АЖ  
Кузатув кенгашининг  
2023 йил 29 ноябрдаги  
11-сонли мажлис баёни билан  
“Тасдиқланган”

## “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятининг 2024 йил учун БИЗНЕС РЕЖАСИ

*Тошкент шаҳри*

## БИЗНЕС РЕЖА МАЗМУНИ

1. КИРИШ .....	3
2. ЖАМИЯТ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ .....	3
3. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ .....	9
4. ЖАМИЯТ МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛИГИ .....	9
5. ЭНЕРГОРЕСУРСЛАР ТАЪМИНОТИ ВА УЛАРНИНГ САРФИ .....	10
6. ИНВЕСТИЦИЯ РЕЖАСИ .....	13
7. МОЛИЯВИЙ РЕЖА .....	14
8. ЖАМИЯТНИНГ КРЕДИТ МАЖБУРИЯТЛАРИ .....	17
9. ДЕБИТОР ҚАРЗЛАРНИ УНДИРИШ .....	17
10. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ .....	18
11. КАДРЛАР СИЁСАТИ .....	19
12. ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИ .....	20
13. ХУЛОСА .....	21

### ИЛОВА ҚИЛИНАДИГАН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАЪЛУМОТЛАР:

1-илова. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси;

2-илова. Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари рўйхати;

3-илова. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 2024 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси;

3а-илова. “Худудий электр тармоқлари” АЖ худудий корхоналарининг 2024 йил учун даромадлари ва харажатлари прогноз ҳисоби;

4-илова. “Худудий электр тармоқлари” АЖга расмийлаштирилган кредитларнинг сўндирилиши (қайтариши) тўғрисида маълумот;

5-илова. Жамият фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари;

6-илова. 2024 йил учун прогноз баланси ва молиявий натижалар прогнози ҳисоботи.

7-илова. 2024 йилда электр энергиясини сотиш режаси.

## 1. КИРИШ

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти – электр энергиясини якуний истеъмолчиларга тақсимловчи, сотувчи, тизим корхоналари ва худудий филиалларни бошқарувчи махсус ваколатли хўжалик бошқаруви органи ҳисобланади.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг электроэнергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4249-сонли қарорига мувофиқ, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 15 апрелдаги 2к-ПО-сонли буйруғи билан ташкил этилган.


“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг амалдаги ташкилий тузилмаси Жамиятнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядорининг 2023 йил 5 майдаги қарори билан тасдиқланган.

Жамият Марказий аппарати шахсий таркибининг умумий сони 132 штат бирлигини, Жамият тизимидаги корхоналар ва худудий филиаллар ходимларининг умумий сони эса 26 008 штат бирлигини ташкил этади (1-илова).

## 2. ЖАМИЯТ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТ

### 2.1. Жамият ҳақида умумий маълумот.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ билан боғланиш учун:  
100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Осиё кўчаси, 8.  
Факс (+998 78) 150-75-35, e-mail: info@het.uz.



Республика иқтисодиёти ва аҳоли истеъмолчиларини барқарор электр энергияси билан таъминлаш, тизим корхоналари ва худудий филиалларни бошқариш каби асосий вазифалардан келиб чиқиб, “Худудий электр тармоқлари” АЖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссиясининг 2023 йил 27 октябрдаги 18-сон баённомасига мувофиқ электр энергиясини сотишдан ажратилган маблағлари ҳисобига Республика худудларида Давлат дастурлари асосида электр тақсимлаш тармоқларида модернизация ва янгилаш ишларини амалга ошириш йўли билан ўз тузилмасининг комплекслилигини таъминлаб келмоқда.

Жамият таркибий тузилмасига акциядорлик жамиятлари шаклидаги 2 та худудий электр тармоқлари корхонаси, 12 та худудий филиал, шунингдек, “Электр энергиясини сотишни автоматлаштириш маркази”, “Давлат ва шартномавий хизматларни ривожлантириш” ва “Давлат харидлари маркази” филиаллари киради.

Айни пайтда Жамият марказий ижро аппаратида 132 нафар ходим фаолият юритмоқда. Шунингдек, “Электр энергиясини сотишни автоматлаштириш маркази” филиалида – 137 нафар, “Давлат ва шартномавий хизматларни ривожлантириш” филиалида – 113 нафар, “Давлат харидлари маркази” филиалида – 98 нафар ходим иш билан таъминланган. Жамиятнинг 12 та худудий филиалида – 21 603 ходим ҳамда акциядорлик жамияти шаклидаги иккита алоҳида корхонада жами 3 879 киши меҳнат қилмоқда.

## **2.2 Таркибий корхоналарнинг мавжуд ва прогноз қилинадиган қувватларининг салоҳияти.**

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти қуйидагиларни амалга оширади:

- тизим корхоналари ва худудий филиалларни бошқариш;
- истеъмолчиларга электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ республика худудида саноат, бюджет, қишлоқ хўжалиги ва маиший истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлайди. Ишончли ва сифатли электр энергияси етказиб бериш тармоқларнинг схемалари ва параметрлари тўғри танланишига боғлиқ.

Жамият тасарруфидаги мавжуд электр энергияси объектлари:

- ✓ 110 кВ кучланишли нимстанциялар (КН) – 720 дона;
- ✓ 35 кВ кучланишли нимстанциялар (КН) – 1073 дона;
- ✓ трансформатор пунктлари (ТП) 6-10/0,4 кВ – 94 538 дона;
- ✓ электр узатиш тармоқлари (ЭУТ) 110 кВ – 15 396,9 км;

- ✓ электр узатиш тармоқлари (ЭУТ) 35 кВ – 13 569,8 км;
- ✓ электр узатиш тармоқлари (ЭУТ) 6-10 кВ – 102 191,3 км;
- ✓ электр узатиш тармоқлари (ЭУТ) 0,4 кВ – 142 411,8 км.

Жамиятга қарашли электр узатиш тармоқлари ва электр ускуналарининг қарийиб 50 фоизи 30 ва ундан ортиқ йиллар давомида эксплуатация қилиниб келинмоқда ва ўз ресурсини ўтаб булган.



Жамиятдаги электр энергия тақсимлаш тармоқлари ва подстанцияларнинг мавжуд қувватлари истеъмолчиларни 20 500 МВА фойдали электр энергияси билан таъминлаш имконини беради. Бироқ, яқин келажакда электр узатиш тармоқлари ва трансформатор пунктларининг эскириш даражаси юқориликча сақланиб қолишидан келиб чиқилиб, мазкур қувватлар мукамал модернизация қилинмаса, янгиларини ишга тушириш бўйича тегишли чоралар қўрилмаса, электр энергияси таъминоти ишончилиги масаласида муайян муаммолар вужудга келиши мумкин.

Республика иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланаётгани, пировардида электр энергиясига бўлган талаб доимий ўсиб бораётгани (йилига

6-8% гача) электр тақсимлаш тармоқларини янада ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширишни тақозо этмоқда. Таҳлиллар 2025 йилга келиб электр энергия истеъмоли деярли 1,5 баробарга ортишини кўрсатмоқда.

Кейинги 2-3 йил ичида “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқарув тизимида ривожланган давлатлар энергетика тармоқларида қўлланилаётган технологиялар, хусусан, тармоқ барқарорлигини ошириш, электр энергия истеъмолчиларининг техник ва тижорий ҳисоби учун йўқотишлар ва харажатларни камайтиришга қаратилган “ақлли” технологияларни жорий қилишга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Бугунги кунда Жамият тасарруфида умумий узунлиги 273 569,7 км дан ортиқ 0,4-110 кВ кучланишли электр тармоқлари, 1793 та 35-110 кВ кучланишли подстанция ва 94538 дона 6-10 кВли трансформатор пунктлари мавжуд.

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан узунлиги қарийб 10 минг км бўлган 220–500 кВ кучланишдаги магистраль электр тармоқлари орқали электр энергияси ишлаб чиқарувчи манбалардан тақсимлаш ва сотиш корхоналарига электр энергияси етказиб берилади.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ ва унинг акциядорлик жамиятлари шаклидаги 2 та худудий электр тармоқлари корхонаси ва 12 та худудий филиали тасарруфида бўлган узунлиги 273,57 минг км 0,4-110 кВ кучланишли электр узатиш тармоқлари орқали, ўз навбатида, истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш ва сотиш вазифаси амалга оширилади.

Жамиятнинг 2024 йилга мулжалланган Бизнес-режаси бўйича амалга ошириладиган ишлар бажарилиши натижасида 2024 йилнинг якунига қадар:

- республика истеъмолчиларига жами 70,1 млрд кВт.с электр энергияси етказиб берилади;

- 29464,0 км электр узатиш тармоқлари ва 10 218 дона трансформатор пункти мукамал таъмирланади;

- жами 165 миллион АҚШ доллари миқдоридаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилади;


- шунингдек, 6722, км электр узатиш тармоқлари ва 2274 трансформатор пункти модернизация ва реконструкция қилинади.

- 35-110 кВли 21 та кучланишли подстанцияни янгилаш, реконструкция ва модернизация қилиш.

**“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти тизим корхоналари  
ва худудий филиалларидаги мавжуд электр энергияси истеъмолчилари  
(мижозлари) сони**

№	Корхона номи	Мижозлар (абонент) сони, дона	шу жумладан		2024 йилда етказиб бериладиган электр энергияси ҳажми миллион кВт.соат	шу жумладан	
			жисмоний шаҳслар	юридик шаҳслар		жисмоний шаҳслар	юридик шаҳслар
1	Тошкент худудий филиали	770 219	739 839	30 380	10 678,4	2 008,2	8 670,2
2	Тошкент шаҳар филиали	746 650	711 536	35 114	7 995,3	2 364,4	5 630,9
3	Андижон худудий филиали	691 307	670 085	21 222	4 664,4	2 507,0	2 157,4
4	Самарқанд худудий филиали	916 975	869 761	47 214	5 470,6	2 416,7	3 053,9
5	Сурхондарё худудий филиали	567 175	537 829	29 346	3 126,8	1 209,8	1 917,0
6	Наманган худудий филиали	642 301	611 738	30 563	4 709,5	1 882,9	2 826,6
7	Қорақалпоғистон худудий филиали	401 363	381 488	19 875	1 745,0	790,2	954,8
8	Қашқадарё худудий филиали	754 819	703 565	51 254	6 638,8	1 616,8	5 022,0
9	Жиззах худудий филиали	294 587	275 151	19 436	2 327,0	623,7	1 703,3
10	Навоий худудий филиали	266 712	250 875	15 837	8 803,1	563,1	8 240,0
11	Сирдарё худудий филиали	199 772	183 891	15 881	1 647,5	566,0	1 641,8
12	Хоразм худудий филиали	429 742	402 169	27 573	2 158,8	1 077,2	1 081,6
13	“Бухоро ҲЭТК” АЖ	466 319	438 046	28 273	3 941,4	1 052,8	2 888,6
14	“Фарғона ҲЭТК” АЖ	902 190	847 011	55 179	6 141,9	2 478,1	3 663,8
	<b>Жами:</b>	<b>8 050 131</b>	<b>7 622 984</b>	<b>427 147</b>	<b>70 048,5</b>	<b>21 156,9</b>	<b>48 891,6</b>

## Истеъмолчилар сони



2024 йилга мўлжалланган прогнозга кўра, республика истеъмолчиларига 70,0 млрд.кВт/соат электр энергияси етказиб бериш режалаштирилган.

Шу билан бирга, 2024 йилда қуйидагилар амалга оширилади:

- узунлиги 6722 км дан ортиқ 0,4-110 кВ тақсимловчи электр тармоқларини янгилаш, реконструкция ва модернизация қилиш;
- 2274 дан ортиқ 0,4-10 кВли трансформатор пунктларини янгилаш, реконструкция ва модернизация қилиш;
- 35-110 кВли 21 та кучланишли подстанцияни янгилаш, реконструкция ва модернизация қилиш.



### **3. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ**

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Жамият Бошқаруви ҳисобланади.

Жамиятнинг олий бошқарув органи Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятида барча овоз берувчи оддий акциялар битта акциядорга, яъни давлатга тегишли.

Ўзбекистон Республикаси Қонунларида ва Жамият уставида назарда тутилган масалалар бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига кирувчи қарорлар Жамиятнинг барча оддий овоз берувчи акцияларнинг ягона эгаси – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қабул қилинади ва ёзма шаклда расмийлаштирилади.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ Кузатув кенгаши таркиби 9 та аъзодан иборат, уларнинг шахсий таркиби Жамиятнинг барча оддий овоз берувчи акцияларининг ягона эгасининг қарори билан тасдиқланади.

Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш Ижроия органи – Жамият Бошқаруви томонидан амалга оширилади. Бошқарув 6 кишидан, Жамиятнинг барча оддий овоз берувчи акцияларининг Ягона эгасининг қарори билан тасдиқланадиган Бошқарув раиси ва унинг 5 нафар ўринбосаридан иборат.

Жамиятнинг жорий устав капитали 8 470 671 199 200 сўм бўлиб, номинал қиймати 100 сўм бўлган 84 680 814 487 дона оддий ва 25 897 505 дона имтиёзли акцияларга бўлинган.

### **4. МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛИГИ**

Жамиятнинг 12 та худудий филиали ва 2 та акциядорлик жамияти кўринишидаги корхоналар томонидан истеъмолчиларга 0,4 кВ дан 110 кВ гача кучланишли электр энергияси етказиб бериш ва сотиш таъминланади. Жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги 173-сон қарорига асосан “ISO 9001: 2009” халқаро стандартларига жавоб берадиган сифат менежменти тизимига мувофиқлик сертификати мавжуд бўлиб, унга асосан тизимда ҳужжатлар юритилиши техник жиҳатдан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 69-сон

қарорига асосан, барча электр энергетика объектларида электр ускуналар эксплуатациясига оид ишлар амалга оширилади.

## **5. ЭНЕРГОРЕСУРСЛАР ТАЪМИНОТИ ВА УЛАРНИНГ САРФИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 57-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг туман ва шаҳар маъмурий биноларига ўрнатилган қуёш панеллари бўйича 2024 йил учун кутилаётган иқтисодий самарадорлик Жамият корхоналари томонидан қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан қуёш панелларини ўрнатиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш режаси ҳисобига 2 238,9 минг кВт.с электр энергияси ёки 2 015,0 млн. сўм иқтисод қилиш кўзда тутилган. “Худудий электр тармоқлари” АЖ корхоналарида ўрнатилган қуёш панелларининг жами қуввати 1 445,0 кВт.соатга тенг, бир йилда ўртача 2 601,0 кВт.с электр энергияси ишлаб чиқарилади (илова).

**“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖНИНГ ТУМАН ВА ШАҲАР МАЪМУРИЙ БИНОЛАРИГА ЎРНАТИЛГАН ҚУЁШ  
ПАНЕЛЛАРИ БЎЙИЧА 2024 ЙИЛ УЧУН КУТИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК**

Т/р	Худуд номи	Қуёш панели ўрнатиш бўйича лойиҳа қиймати (млн. сўмда)	Молиялаштириш манбалари		Қуёш панели ўрнатиладиган майдон, минг м <sup>2</sup>	Қуёш панели қуввати		Иқтисод		ҲЭТга сотилиши	
			Ўз маблағлари	Бошқа маблағлар (хорижий инвестиция, банк, кредит.)		соатига, кВт. (қуввати)	1 йилда, минг (кВт.соат)	миқдори, минг кВт.соат (1 йилда кутилаётган)	сумма	миқдори, минг кВт.соат 1 йилда кутилаётган)	сумма
<b>ЖАМИ:</b>		<b>13 256,9</b>			<b>7,23</b>	<b>1 445,0</b>	<b>2 601,0</b>	<b>2 238,9</b>	<b>2 014 969 248,7</b>	<b>362,1</b>	<b>260 744 601,0</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	737,6	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,53	105	189	143,01	128 709 000,0	45,99	33 112 800,0
2	Андижон вилояти	471,0	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,53	105	189	188,8	169 920 000	0,20	144 000,0
3	Бухоро вилояти	1 064,5	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,55	110	198	134,19	120 771 000,0	63,81	45 943 200,0
4	Жиззах вилояти	487,5	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,43	85	153	153	137 700 000,0	0,00	0,0
5	Қашқадарё вилояти	1 149,5	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,53	105	189	164,1	147 690 000,0	24,90	17 928 000,0
6	Навоий вилояти	1 456,0	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,80	160	288,0	266,2	239 580 000,0	21,80	15 696 000,0
7	Наманган вилояти	850,0	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,43	85	153	142,8	128 520 000,0	10,20	7 344 000,0
8	Самарқанд вилояти	1 226,0	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,54	107	192,6	178,016	160 214 400,0	14,58	10 500 480,0

Т/р	Худуд номи	Қуёш панели ўрнатиш бўйича лойиҳа қиймати (млн. сўмда)	Молиялаштириш манбалари		Қуёш панели ўрнатила диган майдон, минг м2	Қуёш панели қуввати		Иқтисод		ХЭТга сотилиши	
			Ўз маблағлари	Бошқа маблағлар (хорижий инвестиция, банк, кредит.)		соатига, кВт. (қуввати)	1 йилда, минг (кВт.соат)	микдори, минг кВт.соат (1 йилда қутилаётган)	сумма	(мавжуд бўлса)	
										микдори, минг кВт.соат 1 йилда қутилаётган)	сумма
9	Сурхондарё вилояти	1 365,7	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,68	135	243	220,2	198 180 000,0	22,80	16 416 000,0
10	Сирдарё вилояти	684,3	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,38	75	135	93,3	83 970 000,0	41,70	30 024 000,0
11	Тошкент вилояти	1 030,0	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,50	100	180	121,4	109 260 000,0	58,60	42 192 000,0
12	Фарғона вилояти	1 455,1	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,60	120	216	209,6	188 640 000,0	6,40	4 608 000,0
13	Хоразм вилояти	779,7	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,52	103	185,4	134,9	121 444 848,7	50,46	36 332 121,0
14	Тошкент шаҳри	500,0	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,25	50	90	89,3	80 370 000,0	0,70	504 000,0

## 6. ИНВЕСТИЦИЯ РЕЖАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларига мувофиқ, 2023-2030 йиллар давомида “Худудий электр тармоқлари” АЖда Давлат дастурларини амалга ошириш доирасида электр тақсимлаш тармоқлари, подстанцияларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 1 178,2 млн АҚШ долл. ташкил этади, шундан:

- янги қурилиш қиймати – 6 млн. долл;
- модернизация ва реконструкция учун “Республика бўйича 0,4-6-110 кВ кучланишли тақсимлаш тармоқлари ва электр таъминоти объектларини ривожлантириш ва модернизация қилиш” лойиҳаси қиймати 1 172,2 млн. АҚШ долл.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ барча инвестиция лойиҳалари учун тармоқ графиклари ишлаб чиқилган бўлиб, унда иш ҳажми, уларни яқунлаш муддатлари ва масъул ижрочилар кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ инвестиция лойиҳалари, шунингдек, бошқа тармоқлар лойиҳаларини амалга ошириш доирасида ташқи электр таъминоти учун “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти томонидан 2024 йилда умумий қиймати 165 миллион АҚШ долларига тенг тақсимлаш тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш, янги технологияларни жорий этиш лойиҳалари амалга оширилади, шу жумладан молиялаштириш манбалари ҳисобидан:

- хорижий инвестициялар – 100,0 млн. АҚШ доллари;
- ўз маблағлари – 65,0 млн. АҚШ доллари.

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти томонидан истеъмолчиларни барқарор электр энергияси билан таъминлаш, электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини янада такомиллаштириш, электр тармоқларини ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалиётга татбиқ этиш жараёнларини жадаллаштириш бўйича барча зарур чоралар кўрилмоқда.

Жамият тизим корхоналари ва худудий филиалларини ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш учун электр энергияси тушумларини кўпайтириш, шу жумладан ички имкониятларни ишга солиш орқали амалга оширилади.

*2-илова. “Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари рўйхати”.*

**2023-2024 йилларда янги электр тақсимлаш тармоқлари объектлари қуриш,  
мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича инвестицияларни  
ўзлаштириш динамикаси**

млн. АҚШ долл.

Номи	Хукуматнинг 2023 йилги қарорларига мувофиқ		Хукуматнинг 2024 йилги қарорларига мувофиқ		2023 йил 10 ойда амалда бажарилиши
	2023 йил учун жами инвестициялар	жумладан, ўз маблағлари ҳисобидан	2024 йил учун жами инвестициялар	жумладан, ўз маблағлари ҳисобидан	
<b>Жами:</b>	<b>141,0</b>	<b>99,0</b>	<b>165,0</b>	<b>65,0</b>	<b>58,15</b>
Янги қурилиш	4,0	4,0	3,7	3,7	0,21
Модернизация ва реконструкция	137,0	95,0	161,3	61,3	57,94

## 7. МОЛИЯВИЙ РЕЖА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 02 августдаги 02-02/1-1438-сон баённомаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссиясининг 2023 йил 27 октябрдаги 18-сон баённомаси билан электр энергиясини сотишдан тушган маблағларни электр энергетика корхоналари ўртасида тақсимлаш тартиби белгиланган. Мазкур тартибга мувофиқ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва унинг худудий филиаллари учун тушган маблағнинг 5,0 фоизи миқдорида маблағ ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги 126-сон қарори ва “Худудий электр тармоқлари” АЖ Ягона акциядорининг 2022 йил 29 августдаги 4-сонли қарорига асосан, Жамият таркибига қўшилиш йўли билан 12 та худудий электр тармоқлари корхонаси негизида “Худудий электр тармоқлари” АЖ номидан тақсимловчи электр тармоқларини эксплуатация қилиш ва якуний истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлаш функцияларини бажарувчи 12 та худудий филиал ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссиясининг 2023 йил 27 октябрдаги 18-сонли баённомаси билан

“Худудий электр тармоқлари” АЖга Ягона харидор (“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ) томонидан етказиб берилган электр энергияси хариди учун ягона қиймат ўрнатилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, электр энергетика объектларини эксплуатацияси учун асосий манбалар ҳамда 2024 йилда “Худудий электр тармоқлари” АЖ хўжалик фаолиятини амалга ошириш, истеъмолчиларга электр энергияси сотиш, хизматлар кўрсатиш, шунингдек Жамият улушига ҳисобланган дивидендлар кўринишида маблағлар тушиши режалаштирилган.

## 2024 ЙИЛ УЧУН МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ПРОГНОЗИ

(минг.сўмда)

№	Номи	2023 (кутилаётган)	2024 (прогноз)
<b>I</b>	<b>ДАРОМАДЛАР ҚИСМИ</b>		
1.	“Худудий электр тармоқлари” АЖ филиаллари томонидан электр энергиясини сотишдан олинган соф тушум	29 575 529 064,1	42 545 776 873,7
2.	Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар	860 059 289,8	598 273 773,2
3.	Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, шу жумладан	38 886 342,6	3 834 773,1
3.1	Дивиденд даромади	351 645,0	3 834 773,1
3.2	Валюта курсидаги фарқлардан олинган даромадлар	38 534 697,6	
	<b>Жами:</b>	<b>30 474 474 696,5</b>	<b>43 147 885 420,0</b>
<b>II</b>	<b>ҲАРАЖАТЛАР ҚИСМИ</b>		
1.	Сотилган маҳсулотлар ва хизматлар нархи	24 879 252 995,7	35 106 168 111,8
1.1.	Сотиб олинган э/энергия (ққс ва техн.йўқотишсиз)	22 542 082 580,9	31 794 849 858,9
1.2.	Бошқа ташкilotлар и/ч хизматлари	58 391 375,5	70 952 858,9
1.3.	Ёрдамчи материаллар	15 247 217,2	19 059 021,5
1.4.	Ёқилғи ва мойлаш материаллари	32 884 477,8	50 417 916,7
1.5.	Иш ҳақи фонди ягона ижтимоий тўлов билан	1 075 488 448,3	1 699 579 136,9
1.6.	Асосий воситаларнинг амортизацияси	991 326 458,6	1 239 158 073,2

<b>1.7.</b>	Таъмирлаш фонди	125 590 477,4	178 400 588,8
<b>1.8.</b>	Бошқа ишлаб-чиқариш харажатлари	38 241 960,0	53 750 656,9
<b>2.</b>	<b>Давр харажатлари</b>	<b>4 460 377 233,3</b>	<b>6 940 657 300,9</b>
2.1.	Бошқа ташкилотлар хизматлари	1 142 701,8	1 428 377,3
2.2.	Ёрдамчи материаллар	1 695 284,1	2 119 105,1
2.3.	Ёқилғи ва мойлаш материаллари	3 258 850,6	3 693 825,7
2.4.	Иш ҳақи фонди ягона ижтимоий тўлов билан	911 641 900,3	1 729 276 893,8
2.5	Асосий воситаларнинг амортизацияси	27 460 286,2	34 213 516,8
2.6	Таъмирлаш фонди	2 654 118,0	70 303 626,2
2.7	Бошқа харажатлар	3 512 524 092,3	5 099 621 956,0
2.7.1	Шу жумладан солиқлар	87 208 815,1	108 123 164,9
<b>3.</b>	<b>Молиявий фаолият билан боғлиқ харажатлар (қайта берилган ссудалар бўйича фоизлар ва валюта курсидаги фарқлардан кўрилган зарарлар)</b>	<b>1 073 511 544,8</b>	<b>806 286 756,7</b>
<b>4.</b>	<b>Умумий харажатлар</b>	<b>30 413 141 773,7</b>	<b>42 853 112 169,4</b>
<b>5.</b>	<b>Фойда солиғи тўлангунга қадар фойда</b>	<b>61 332 922,8</b>	<b>294 773 250,6</b>
<b>6.</b>	<b>Фойда солиғи</b>	<b>26 546 813,8</b>	<b>119 071 691,2</b>
<b>7.</b>	<b>Соф фойда (ёки зарар)</b>	<b>34 786 109,0</b>	<b>175 701 559,4</b>

Шу билан бирга, “Худудий электр тармоқлари” АЖ таркибидаги алоҳида юридик шахс мақомига эга корхоналар устав капиталидаги Жамиятга тегишли бўлган улушлар бўйича 2024 йил давомида уларнинг соф фойдасининг камида 50 фоиз миқдорида дивидендлар ҳисобланиши режалаштирмоқда.

**2024 йилда “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг улушига  
ҳисобланиши режалаштирилган дивидендларнинг жадвали**

№	Корхона номи	2023 йил яқуни бўйича кутилаётган соф фойда миқдори, млн сўм	2023 йил яқуни бўйича 2024 йил давомида “Худудий электр тармоқлари” АЖ улушига ҳисобланадиган дивидендларнинг прогноз миқдори, млн сўм
1	“Бухоро ҲЭТК” АЖ	2 133,0	506,6
2	"Фарғона ҲЭТК" АЖ	14 013, 4	3 328,2
	<b>Жами:</b>	<b>16 146,4</b>	<b>3 834,8</b>



Шундай қилиб, 2024 йил давомида электр энергиясини сотиш 42 545,8 млрд. сўм ва хизматлар кўрсатишдан кутилаётган тушумлар 598,3 млрд. сўмни ташкил этади.

Шу билан бирга, сотилган маҳсулот ва хизматларнинг умумий қиймати – 35 106,1 млрд. сўмни, давр харажатлари – 6 940,7 млрд. сўмни, молиявий фаолият харажатлари – 806,3 млрд. сўмни ташкил этади. Жамиятнинг 2024 йил якунига кўра кутилаётган соф фойдаси 175,7 млрд сўмни ташкил этади.

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти ва унинг таркибий корхоналари учун 2024 йил учун молиявий ресурслар прогнози ҳисоби илова қилинади.

## **8. ЖАМИЯТНИНГ КРЕДИТ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**8.1. Кредитдан фойдаланиш ва уларни амалга ошириш босқичи тўғрисидаги маълумотлар.**

“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 2024 йил 01 январь ҳолатига ХМТ ва тижорат банкларидан олинган кредит маблағлари бўйича жами 7 049 982,0 млн. сўм қарзи мавжуд, шундан муддати ўтган қарздорлик йўқ. 2024 йилда қайтариладиган кредит маблағлари ҳажми 2 330 896,2 млн.сўмни ташкил этади, шу жумладан ўзбек сўмида 819 411 599,3, хорижий валютадаги кредитлар бўйича 62 896,0 минг АҚШ доллари ва 5 288 019,5 минг. рубль.

## **9. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ДЕБИТОР ҚАРЗЛАРНИ ЎНДИРИШ**

“Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан 2023 йил 01 январь ҳолатига, етказиб берилган электр энергияси учун жами дебиторлик қарзлари 5 351,7 млрд. сўм, шу жумладан юридик истеъмолчилар – 2 351,8 млрд. сўм, маиший истеъмолчилар – 2 999,9 млрд. сўмни ташкил этди.

2023 йилда “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти корхоналари томонидан 29 575,5 миллиард сўмлик товар маҳсулоти (электр энергияси) етказиб берилиши режалаштирилган.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ корхоналарида электр энергиясини ҳисобга олишнинг замонавий тизимини жорий этиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилди. Ўтган давр мобайнида АСКУЭга тизимига мос келувчи жами 7,6 млн замонавий электрон ҳисоблагич ўрнатилгани республика бўйича

биллинг тизимини тўлиқ жорий этиш ва истеъмол қилинган электр энергияси учун тўловларни олдиндан амалга ошириш учун имконият яратди.

Электр энергияси истеъмолчилари билан ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш мақсадида тегишли органлар билан биргаликда қарздорлик ўсишининг олдини олиш мақсадида 2024 йилда қуйидаги масалаларни ҳал этишда устуворлик берилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ҳукумат қарорларини қабул қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш:

1.1. Сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг электр энергияси учун харажатларини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш;

1.2. Коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар (сув ва иссиқлик таъминоти корхоналари) ҳисобварақларига келиб тушган маблағларни электр энергиясининг таннарх таркибидаги улушидан келиб чиқиб, унинг бир қисмини электр энергияси учун тўлаш учун ажратган ҳолда мутаносиб тақсимлаш тартибини тасдиқлаш. маҳаллий ҳокимият органлари томонидан молиявий ёрдам;

1.3. Эгасиз объектларни белгиланган тартибда топширишни амалга ошириш:

- вилоятлараро сув қувурлари балансида аҳолини сув билан таъминлаш ("Сувоқава" ОАЖ);

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг коммунал хизмат кўрсатиш бўлимлари балансида ёритиш ва ушбу объектларнинг электр энергияси учун қарзини тўлаш масаласини ҳал қилиш.

2. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарнинг электр энергиясидан мавжуд қарздорлиги тўлиқ қопланмагунча тугатишни тақиқлашни назарда тутувчи тартибни тасдиқлаш.

2024 йилда фойдали электр энергиясини сотиш режаси илова (7-илова) қилинади.

## **10. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24-апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4720-сонли Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлда “Акциядорлик жамиятлари ва давлат улуши бўлган бошқа хўжалик юритувчи

субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги 207-сон қарори билан тасдиқланган Низомга асосан, “Худудий электр тармоқлари” АЖ фаолиятига самарадорлигини баҳолаш мезонлари жорий этилган бўлиб, уларнинг бажарилиши ижро органинг ҳисоботи ҳар чоракда эшитилади. “Худудий электр тармоқлари” АЖ фаолиятига самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва муҳим кўрсаткичлари илова (5-илова) қилинади.

## 11. КАДРЛАР СИЁСАТИ ВА ИШ ҲАҚИ ХАРАЖАТЛАРИ

### 11.1. Кадрлар сиёсати

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти томонидан энергетика соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш, ходимларнинг малакасини ошириш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти тизимидаги ҳақиқатда ишловчи ходимларнинг сони 26 050 нафарни ташкил этади.

"Худудий электр тармоқлари" АЖ ва унинг таркибига кирувчи филиалларда ҳақиқатда ишловчи ходимлар сони тўғрисида МАЪЛУМОТ										
01.11.2023й										
№	Худуд номи	ЖАМИ:	шундан: лавозимлар кесимида							
			Раҳбар ва унинг ўринбосар- лари	Т(Ш)ЭТК раҳбарлари ва ўринбосар- лари	Бош муҳандис ва ўринбосар- лари	Бошқарма, бўлим ва хизмат бошлик- лари ва ўринбосарл ари	Мутахас- сислар	Носаноат ходимлар	Ишлаб чиқариш ходимлари	Хизмат кўрсатувчи ходимлар (хайдовчи, боғбон, фаррош, қорувул ва бошқалар)
	"Худудий электр тармоқлари" АЖ	132	9	0	0	38	54	0	0	31
2	Қорақалпоғистон Республикаси	1 666	7	34	18	28	478	6	828	267
3	Андижон вилояти	2 030	7	44	22	37	650	4	990	276
4	Бухоро вилояти	1 465	5	24	15	116	354	3	662	286
5	Жиззах вилояти	1 708,5	5	26	13	20	389	0	751	505
6	Қашқадарё вилояти	2 439	4	28	19	42	494	0	1 524	328
7	Навоний вилояти	1 174	4	17	10	36	235	2	804	66
8	Наманган вилояти	2 012	4	25	17	114	369	0	1 145	338
9	Самарқанд вилояти	2 340	7	31	18	45	587	2	1 115	535
10	Сурхондарё вилояти	1 697	4	30	18	34	412	4	962	233
11	Сирдарё вилояти	998	8	22	14	36	328	0	427	163
12	Тошкент вилояти	2 441	3	39	24	168	579	0	1 170	458
13	Фарғона вилояти	2 499	5	38	22	166	567	2	1 228	472
14	Хоразм вилояти	1 275	8	25	13	100	326	1	525	277
15	Тошкент шаҳар	1 821	7	24	24	47	449	0	1 055	215
16	"ЭЭСАМ" филиали	112	3	0	0	10	91	0	0	8
17	"Давлат харидлари маркази" филиали	111	3	0	0	9	39	0	42	18
18	"ДШХР" филиали	130	5	0	0	14	36	0	59	16
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>26 050,5</b>	<b>98</b>	<b>407</b>	<b>247</b>	<b>1 060</b>	<b>6 436</b>	<b>24</b>	<b>13 286,5</b>	<b>4 492</b>

Жамият ходимлари мунтазам равишда турли ўқув марказларига ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун юборилади. Жамиятда ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази ташкил этилиши ҳамда бу ерда 2024 йил давомида 6 670 нафар ходимнинг малакаси оширилиши режалаштирилган. Ҳар йили олий таълим муассасаларида Ўзбекистон энергетика тизими учун соҳа мутахассислари – бакалавр ва магистрлар тайёрланади.

2024 йилда “Худудий электр тармоқлари” АЖ марказий аппарати ходимлари сони 132 нафарни ташкил этади.

2024 йилда “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Электр энергиясини сотишни автоматлаштириш маркази”, “Давлат харидлари маркази” филиаллари, “Худудий қурилиш-монтаж дирекцияси” ва 12 та худудий филиаллар учун умумий режалаштирилган иш ҳақи фонди 3017,39 млрд. сўмни ташкил этади.

## 12. ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 июндаги “Тошкент шаҳрида “МЭИ” миллий тадқиқот университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги ПП-4350-сон қарори 7-бандида, Филиални ташкил этиш, унинг моддий-техника ва ўқув базасини шакллантириш, шу жумладан, филиаллар биноларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан жиҳозлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 июндаги 01-06/1-1172-сон ва Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2022 йил 27-апрелдаги 02-18-8-сон мажлис баёнлари асосида “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан “МЭИ” Миллий тадқиқот университети”нинг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш ҳамда биноларни реконструкция қилишни таъминлаш бўйича ишларни молиялаштиришга 5,4 миллиард сўм миқдорида ҳомийлик маблағлари ажратилиши белгиланган.

